

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Содиқов Ҳамид Махмудович

Жиззах давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар компетентлигининг мавжуд ҳолати ва коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш юзасидан фикр мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: компетентлик, тафаккур, дунёқараш, таълим, тарбия, билим, кўникма, малака, нутқ, маданият, қобилият, мулоқот.

Аннотация: В статьедается отзыв о текущем состоянии компетентности будущих учителей и развитии коммуникативно-речевой культуры.

Ключевые слова: компетентность, мышление, мировоззрение, образование, воспитание, знания, умение, квалификация, речь, культура, способности, общение.

Resume: The article provides a review of the current state of competence of future teachers and the development of communicative-speech culture.

Key words: competence, thinking, worldview, education, upbringing, knowledge, skill, qualifications, speech, culture, abilities, communication.

Бўлажак ўқитувчилар компетентлигининг мавжуд ҳолатларини ва коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш мухим омиллардан бири сифатида қаралиши етакчи функциялардан саналади.

Бизга яхши маълумки, бир қатор педагог олимлар бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятига оид муаммоларини куйидаги омиллар орқали ўрганиб чиққанлигини кўришимиз мумкин.

- нутқ ғаолиятининг моҳияти тўғрисидаги масалалар;
- мактаб ўқувчилари нутқ ғаолиятининг моҳияти тўғрисидаги масалалар;
- олий педагогик таълимда талабаларининг коммуникатив қобилияtlарини ривожлантириш борасидаги масалалар;
- коммуникация ва мулоқот тоифаларининг ўзаро боғлиқлиги масаласи.

Ҳозирги кунда бўлажак ўқитувчиларга нутқ билан боғлик маълумотларни бериш аслида шарт эмас. Чунки улар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида бу маълумотга эга бўлиб келмоқда. Бироқ ўқитувчилик касби нуқтайи–назаридан ёндошиб кўрганимизда баъзи ноаниқликлар учраганлиги боис ҳам биз коммуникатив нутқ нима деган саволга жавоб беришимиз лозим.

Коммуникатив нутқ – бу кишиларнинг нутқ ёрдамида бир–бирлари билан фикр алмашувидир.

Коммуникатив нутқ маданияти – кишиларнинг бир–бирлари билан фикр алмашиши жараёнида ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда нутқдан мохирона фойдаланиши.

Бўлажак ўқитувчидаги луғат бойлиги қанча кўп бўлса, у шунча ўзини эркин тутади.

Нутқнинг аниқлиги – коммуникатив нутқнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Нутқ таркибидаги ҳар бир сўз ўзининг луғавий маъносига тўлиқ мос келиши шарт. Айтилиши керак бўлган фикр ўз ифодасини топмай қолади. Воқелик ҳодисалари сўзловчининг нутқида аниқликни акс эттириб туриши керак.

Коммуникатив нутқ жараёnlарida сўзлар аниқ бўлиши талаб қилинади. Нутқдан доимий равишда тўғри фойдаланиш керак. Нутқ муаллиф томонидан айтилиши керак бўлган фикрни тўлиқ қамраб олиб, унинг мавзуси ва асосий ғоясини очиб бериши шарт. Нутқнинг кейинги муҳим коммуникатив сифати унинг тозалиги, яъни адабий тилда бегона элементларнинг йўқлиги. Нутқда паразит сўзларнинг мавжудлиги лексик

захиранинг етишмаслигидан, эҳтимол нутқ мавзусининг ҳақиқатига нисбатан ишончнинг йўқлигидан ёки у ҳақида маълумотнинг етишмаслигидан далолат бериб, айтилган сўз учун жавобгарликни қисман олиб ташлайди.

Таълим–тарбия жараёнида коммуникатив нутқ компетентлиги ва касбий компетентлик муаммолари ўз долзарблигини йўқотмаганлиги сабабли бу муаммо масалалари билан педагог олимлар шуғулланиб келаётганлигини ҳам кўриш мумкин.

Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш муаммоси унинг касбий сифатларини шакллантириш кенг қамровли ва мураккаб ҳисобланади. Мазкур муаммони амалиётда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш педагогик фаолиятда муваффақиятлилик даражасини оширишда катта аҳамиятга эга.

Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини етарлича шаклланган профессионал билимлар, коммуникатив ва ташкилотчилик кўникумлари, ўз-ўзини назорат қилиш қобилияtlари, эмпатия, вербал ва новербал ўзаро муносабатлар маданияти мажмуи сифатида тушунамиз.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда инновацион ёндашув адаптив даражадан тизимли моделлаштирилган даражага ўтиш асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Коммуникатив компетентлик–мулоқот мақсадлари, соҳалари, вазиятларига мос бўлган бошқаларнинг нутқий хулқ дастурларини тушуниш ва ўз шахсийларини ҳосил қилиш учун зарур бўлган билим, кўникума ва малакалар. Коммуникатив компетентлик тушунчасига қуйидаги йўналишлар киритилади:

- лингвистик назариядан хабардорлик, уни тил воситаларини нутқда қўллашни тартибга солувчи қоидалар тизими ва умумий талаблар тизими сифатида англаш;
- нутқ назариясини билиш, нутқий фаолиятнинг асосий турларини эгаллаганлик;

- нутқий вазиятни таҳлил қилиш қобилияти ва унга мос равища мулоқотнинг турли соҳалари ва вазиятларига нисбатан, кимга йўналганлиги ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда нутқий хулқ дастурини танлаш.

Шунингдек, таълимга фаолиятли ёндашув шароитларида педагогик жараён қуйидаги мезонлар билан тавсифланади:

- онгли коммуникатив мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган педагог ва талабалар ўзаро муносабатларининг мақсадга йўналганлиги;
- талабаларнинг нутқий фикрлаш фаолликлари;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этишдаги иштироки;
- талабалар коммуникатив билим ва кўникмалари долзарб бўлган ўқув вазиятларини яратишни кўзда тутувчи вазият.

Шу тариқа, таълимий жараён иштирокчилари, бўлажак ўқитувчилар тилга оид масъулият, замонавий адабий тилни амалий эгаллаш даражасини ошириш, нутқдан мулоқот ва ахборотни узатиш воситаси сифатида фойдаланиш кўникмасини ривожлантириб бориши давр талаби ҳисобланганлиги сабабли педагогика институтлари бунга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда коммуникатив-нутқ маданияти – педагогнинг асосий сифатларидан бири, педагогик жараённинг аҳамиятли ташкил этувчиси саналади. Педагогик жараён бу “ўқитувчи-ўқувчи” тизими ҳолатининг алмашишидир. Мазкур тизимнинг амал қилиши асосида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида фаолият алмашиш ётади, ўқувчиларнинг фаолиятларини ташкил этиш эса, ўқитувчи фаолияти предмети ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи жараён субъектлари ҳисобланадилар, аммо етакчи роль айнан ўқитувчига тегишли, чунки у ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришларида онгли фаолиятнинг ташкилотчиси ҳисобланади. Шу тариқа, ўқитувчи ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган ижтимоий тажриба ва ўқувчиларнинг ўзлари ўртасида боғловчи бўғин, кўприк ҳисобланади.

Ўқитувчини касбий тайёрлашнинг қуидаги сифатларини ажратиш зарур:

- “ўқитувчи-ўқувчи” амалдаги тизими сифатида жараён хусусиятларини билиш;
- ривожланган педагогик жараённи бошқаришга тайёргарлик;
- мулоқот бирлигини ва педагогик жараён иштирокчилари ўртасидаги фаолият алмашишни таъминлашда ўқитувчининг ролини тушуниш;
- турли фаолият кўринишларининг хусусиятларини, педагогик жараёнда иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ташкил этиш усуллари ва шаклларини билиш.

Шу тариқа, ўқитувчининг уринишлари “ўқитувчи-ўқувчи” тизимидағи ўзаро муносабатни ташкил этиш ва яхшилашга қаратилиши лозим. Ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданияти педагогик жараённи такомиллаштириш қуролига айланиши ва педагогик жараён иштирокчиларини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш ўқитувчи касбий компетенциясининг юқори даражаларини талаб этади ва бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш мазмунида ҳам ўзгаришлар зарур. Аммо бизнинг умидларимизга зид равишда, ўқитувчи касбий компетентциясининг юқори даражаси ҳам кутилган самарани бермайди. Касбий компетентция, умумий касбий фаолиятга “курилиш” керак. Ўқитувчи ўз фаолиятида самарали фойдаланиш учун ўз фаолияти обьекти тўғрисида билимларга эга бўлиши, педагогик фаолиятни бошқариш назариясини эгаллаган бўлиши керак.

Бундан ташқари, ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданияти ўқитувчининг мотивацион соҳасида, психикасида ўзгаришларни кўзда тутади, бу эса бутун фаолият тузилишини қайта қуришга олиб келиши керак. Шунинг учун, ўқитувчининг касбий компетентциясини шакллантириш зарур, аммо бунинг ўзи етарли эмас. Айнан бўлажак ўқитувчини тайёрлаш коммуникатив компетентлиги ва шахс мотивацион тузилишидаги

ўзгаришлар билан биргаликда фаолият объектига йўналтириш, фикримизча, педагогик жараённи инсонпарварлаштириш шароитларида ўқитувчилар фаолиятининг юқори натижаларини таъминлаши керак.

Демак касбий тайёргарлик давомида унинг шундай натижасини таъминлаш керакки, бунда бўлажак ўқитувчи ўз фаолияти объектини ўзгартиришга қодир бўлиши лозим. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш уларнинг касбий тайёргарликлари жиҳати, унинг натижаси бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив – нутқ маданиятининг ривожлантирилиши замирида, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш сифатини яхшилаш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив – нутқ маданияти ва компетентлигининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиб, шундай хуносага келиндики, айнан бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ривожланган мамлакатлатларнинг тажрибалари ва технологияларини ўрганиб, шароитга мослаштириб улардан самарали фойдаланган ҳолда замон талабларига жавоб берга оладиган мутахассисларни тайёрлаш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Катонова Е.М. Развитие языковой и речевой способности младших школьников // Пачатковая школа. 2004. – №6. – С.20.
2. Машарипова У. Развитие коммуникативно-речевой компетентности учащихся общеобразовательной // Наука и мир. – Волгоград, 2015. –№11 (27). Том-2. –С. 77-79.
3. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 167 б.
4. Ортиков А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Тошкент: Доно ҳамро, 2002. – 76 б.
- 5.Sodiqov Kh. Developing Communicative and Speech Culture and Communicative Competence of Future Teachers. // Eastern European Scientific

Journal. Germany. 2018. 3-сон. -Б. 224-229

6.Содиқов Х.М. Педагогик жараёнда талабаларнинг коммуникатив -нутқ маданиятини шакллантирувчи оптимал технологиялар. // Ҳалқ таълими журнали. –Тошкент, 2019. 5-сон. -Б. 77-81.